

Ислом Нури

Маколалар

Салафи солих рамазонда

Ислом Нури тахририяти

Бисмиллахири Роҳманури Роҳим

Аллоҳга ҳамду санолар, пайгамбаримиз, унинг оиласи, саҳобалари ва уларга яхшилик билан эргашган барча кишиларга Аллоҳдан салавот ва саломлар бўлсин.

Муслмон биродарим ва муслима синглим, сизларни Аллоҳ учун яхши кўрганимиз сабабли калбимиз кўридан отилган муҳаббат билан йўлламоқчимиз. Аллоҳ таъолодан ўзининг каромат диёри ва раҳмат маконида бизларни сизлар билан бирга жам қилишни сўраймиз. Рамазон ойининг келиши билан сизларга камтарона совгани тақдим этмоқчимиз. Шояд бу совгани ва насихатларни қабул қилсангиз. Аллоҳ сизларни ўз паноҳида сақласин.

Муборак рамазон ойини қандай кутиб оламиз?..

Аллоҳ таъоло деди: «(У санокли кунлар) Рамазон ойдирки, бу ойда одамлар учун хидоят бўлиб ва хидоят ва фурқон (Ҳақ билан ботилни, ҳалол билан ҳаромни ажратувчи) нинг очик оятлари бўлиб Куръон нозил қилинган» (Бақара: 185)

Азиз дўстим, Аллоҳ таъоло рамазон ойини бошқа ойлардан кўп хусусият ва фазилатлар билан устун қилди.

Рўзадорнинг оғзидан келган хид Аллоҳ таъолонинг ҳузурда мушқдан кўра хушбўйроқдир.

Фаришталар ифтор қилгунига қадар рўзадор учун истиғфор айтадилар.

Аллоҳ таъоло ҳар куни жаннатини безайди ва: «Тез кунда менинг солих бандаларим ўзларидаги кийинчилик ва машаққатларни ташлаб, сенга келадилар» — дейди.

Рамазон ойида шайтонлар занжирбанд қилинади.

Рамазон ойида жаннат эшиклари очилиб, жаҳаннам эшиклари ёпилади.

Рамазон ойида кадр кечаси бўлиб, у минг ойда қилинган ибодатдан кўра яхшироқдир. Унинг яхшиликларидан маҳрум бўлган одам барча яхшиликлардан маҳрум бўлибди.

Рамазон ойининг охири кунида рўзадорларнинг гуноҳлари кечирилади.

Аллоҳ Рамазон ойининг ҳар кечасида жаҳаннамдагилардан баъзиларни овоз килади.

Азиз дўстим, хусусият ва фазилатлари шундай бўлган ойни қандай кутиб оламиз? Унинг келишидан бетокат бўлиб, аччиғланиб кутиб оламизми? Бундай бўлишидан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Солих банда бу ойни тавба, сидқидиллик ва вақтларни солих амаллар билан зийнатлаб, Аллоҳ таъолодан чиройли ибодат қилишни сўраб кутиб олади.

Шунинг учун ҳам, азиз дўстим, рамазон ойида қилишимиз керак бўлган баъзи яхши амалларни эслатмоқчимиз.

1- Рўза тутиш

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Одам фарзандининг ҳар бир амали ўзи учундир, ҳар бир яхшилик ўн мислдан етти юз мислга қадар кўпайтириб берилади. Аллоҳ таъоло деди: «...Факатгина рўза, у мен учундир ва унга ўзим мукофот берман. (Банда) мен учун шахвати, таоми ва

ичимликларини тарк килди. Рўздор учун икки кувонч бордир: Ифтор килиш пайтида ва роббисига йўликкан вақтда.

Рўздорни огзининг хиди, Аллохнинг хузурида мушкнинг хидидан кўра хушбўйроқдир». (Муттафакун алайхи)

Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам дедилар «Рамазон рўзасини иймон билан ва савоб умидида тутган кишининг ўтган гунохлари кечирилади». (Муттафакун алайхи)

Шубхасиз бу катта савоб емок ва ичмоқдангина тийилган кишига берилмайди. Балки, расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам айтганларидек: «Ёлгон сўзлашни ёки унга амал килишни тарк килмаган кишининг емок ва ичмогини тарк этишига Аллохнинг эhtiёжи йўк». (Имом Бухорий ривояти)

«Рўза калкондир. Сизлардан бирингиз рўза тутса сўкинмасин, фикс сўзларини сўзламасин ва жохиллик килмасин. Агар уни бирортаси хакорат этса: «Мен рўздорман» — деб айтсин» (Муттафакун алайхи).

Эй Аллохнинг бандаси, рўза тутсангиз кулоқларингиз, кўзларингиз, тилингиз ва барча аъзоларингиз ҳам рўза тутсин! Рўздорлик кунларингиз бошка кунларингиздан фаркли бўлсин.

2- Кечалари бедорлик.

Аллох таъоло деди: **«Рахмоннинг бандалари – Ер юзида тавозе билан юрадиган, жохиллар (бемаъни) хитоблар килганида: «Саломат бўлинглар!» деган ва кечаларни сажда ва (намозда) туриш билан ўткизадиган (кишилардир)»** (Фуркон: 63,64).

Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Рамазон кечаларини иймон ва савоб умидида намоз ўкиб бедор ўткизган кишининг гунохлари кечирилади» (Муттафакун алайхи).

Кечаларни ибодат билан бедор ўткизиш, расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам ва сахобаларнинг одатларидан эди. Оиша розияллоху анҳо дедилар: «Кечаларни бедор ўткизишни тарк килманг! Кечаларни (ибодат билан) бедор ўткизиш расулulloх саллоллоху алайхи ва салламнинг одатларидан эди. Агар касал бўлсалар ёки сустлик килсалар ўтириб намоз ўкир эдилар».

Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳо кечалари намоз ўкир, кечанинг ярми бўлганида оиласини уйготар ва уларга : «Намозга туринглар, намозга туринглар!» дер ва ушбу оятни ўкир эди... **«Ахлингизни намозга буюринг, ўзингиз ҳам у (намоз)да чидамли бўлинг. Биз сиздан ризк сўрамаймиз. Биз сизга ризк берамиз. Чиройли окибат (ахли) такво учундир»** (Тоха: 132). Ибн Умар розияллоху анҳо ушбу оятни ўкир эди: **«Ёки кечалари сажда килган ва киём-тик турган холда ибодат килувчи, охиратдан кўркадиган ва Парвардигорининг рахматини умид киладиган киши (билан куфру исёнга гарк бўлган кимса баробар бўлурми?!»** (Зумар: 9). Ибн Умар бу Усмон ибн Аффон розияллоху анҳо – деди. Ибн Абу Хотим айтади: Ибн Умарнинг бундай дейишига сабаб: Амирулмуъминийн Усмон розияллоху анҳо кечалари кўп намоз ва куръон ўкир эди. Хаттоки куръонни бир ракаатда хатм килган холлари ҳам бўлган.

Имом Молик: Мен салаф солихларнинг, имом саккиз ракаатда Бакара сурасини ўкиганини кўришса бу жуда ҳам енгил намоз ўкиди деганларини кўрдим – дедилар. Бизга нима бўлдики ана шу сурани бир неча кечада ўкиймиз?!..

Сойиб ибн Зайд розияллоху анҳо ривоят килган хадисда эса: «Сахобалар ичидаги кори икки юз оят ўкир, киёмнинг узок бўлиши сабабли асоларга суюниб колар эдик. Сахобалар субх кирганидагина намозларини тугатар эдилар» дейилган.

Танбех: Мусулмон биродарим, сиз имом билан таровехни охиригача ўкинг, шунда кечани ибодат билан ўткизган коимлар каторида ёзиласиз. Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Имоми намозини тугатиб

кайтиб кетгунига қадар бирга қоим бўлган кишига кечаси билан ибодат қилганлик ажри ёзилади».

Садақа бериш

Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам энг саховатли кишилардан эдилар. Хусусан, рамазон ойи келганда у кишининг саховатлари эсиб турган шамолдан ҳам саховатлироқ бўлиб қолар эди.

Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам: «Садақаларнинг энг афзали рамазон ойидаги садақадир» — дедилар. (Термизий ривояти).

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху деди: «Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам бизни садақа беришга амр этдилар. Бу — менинг молим бор даврга тўғри келди. Мен ўзимга : «Абу Бакрдан ўзган қуним бўлса шу қунимдир» — дедим. Молимнинг ярмини олиб келдим. Менга расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам : «Оилангиз учун бирор нарса қолдирдингизми?» — деб сўрадилар. Мен: «Шунчасини қолдирдим» — деб жавоб бердим. Абу Бакр ўзининг барча молини олиб келди. Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам унга: «Оилангизга ҳам қолдирдингизми?» — деб сўрадилар. Абу Бакр: Уларга Аллох ва расулини қолдирдим — деб жавоб берди. Шунда мен: Сиздан мен ҳеч бир нарсада ўза олмас эканман — дедим.

Азиз дўстим, садақанинг рамазон ойида ўзгача хусусиятлари бор шунинг учун ҳам рамазон ойида имкониятингизга қараб садақа қилишга шошилинг. Садақанинг қўринишлари қўп бўлиб, шулардан баъзилари қўйидагилар:

Таом едириш. Аллох таъоло деди: «**Севимли бўлишига қарамай мискин, етим ва асирларга таом берадилар ва биз сизларга Аллохнинг юзи учун таом берамиз. Сизлардан муқофот ва миннатдорчилик истамаймиз. Бизлар Парвардигоримиз томонидан бўладиган, (дахшатли азобидан юзлар) тиришиб, буришиб қоладиган бир Қундан қўрқамиз — дедилар. Аллох уларни у Қуннинг дахшатларидан сақлади ва уларнинг юзларига нурафшонлик ва дилларига сурур берди. Ва уларни қилган сабрларининг эвазига жаннат ва (жаннатда эгниларида бўладиган) ипақ (либослар) билан муқофотлади»** (Инсон: 2-8).

Салаф солих таом едиришга харис бўлиб, уни қўплаб ибодатлар устидан афзал қўрар эдилар. Бунда оч одамни тўйдириш ва солих дўстни таомлантириш ўртасида ҳеч фарқ йўқдир. Чунки, таомлантириладиган одамда қамбағаллик шарт эмас. Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Қайси мўъмин бошқа бир оч мўъминни таомлантирса Аллох уни жаннат медалари билан таомлантиради. Ташна мўъминни қанқоғини қондирган кишини Аллох Рахийқул-маҳтумдан сўғоради» (Термизий ривояти). Салафларнинг баъзилари: Мен учун дўстларимдан ўнтасини чақириб, иштахалари хоҳлаган таомни едиришим, Исмоил ўғилларидан ўнтасини озод қилмоғимдан қўра яхшироқ — деган эди.

Салафлардан қўплари ўзи рўзадор бўла туриб ифторлигини бошқаларга бериб юборар эди. Абдуллох ибн Умар, Довуд ат- Тоий, Молик ибн Дийнор ва Ахмад ибн Ханбал шулар жумласидандир. Абдуллох ибн Умар етим ва мискинлар билангина ифтор қиларди. Гоҳида ахллари мискинларни қайтариб юборганликларини билиб қолса ана шу кечада ифтор қилмас эди.

Қўплаб салаф олимлари рўзадор бўлишларига қарамай ўз дўстларига таом беришар ва хизмат қилишар эди. Хасан Басрий ва Ибн Муборак шулар жумласидандир. Абу Сувор Адавий айтади: Адий қабиласидан бўлган кишилар мана шу масжидда намоз ўқишар ва улардан бирортаси ўзи ёлғиз ифтор қилмас эди. Таомини бирга ейдиган одам топмаса таомини масжидга олиб чиқиб одамлар билан ер эди.

Таомлантириш ибодатидан бошқа ибодат ҳам келиб чиқади. Дўстлашиш ва таом берган биродарларингиз учун муҳаббат пайдо бўлиши. Зеро, расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам: «Жаннатга мўъмин бўлмагунингизга қадар қира олмайсизлар. Бир-бирингизга муҳаббат

килмагунингизча мўмин бўла олмайсизлар» - дедилар. Бундан ташкари, таом едиришдан солих кишилар билан бирга ўтириш, сизнинг берган таомларингиздан ибодат килишга қувват олишлари сабабли савобни умид килиш ҳам келиб чиқади.

Рўздорларга ифтор бериш.

Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Рўздорга ифтор берган кишига рўздорнинг савобининг мислича савоб берилади ва рўздорнинг савоби ҳеч ҳам камайтирилмайди» (сахих ҳадис, Насоий ривояти). «Рўздорга ифтор қилган ёки гозийни жиходга тайёрлаган кишига (рўздор ёки гозий) савоби берилади» (сахих ат-тарғиб: 2701).

Қуръон ўқишлик.

Азиз дўстим, мен сизга шу муносабат билан салаф солих ҳаётидан икки муҳим нарсани эслатмоқчиман:

А) Қуръонни кўп ўқиш.

Б) Қуръонни қироат қилиш ёки тинглаш асносида Аллоҳ таъолога ҳушў ва тавозе қилиб йиглаш.

Рамазон ойи Қуръон ойдир. Шунинг учун ҳам мусулмон банди Қуръонни кўп тиловат қилиши керак. Зеро, салаф солих Қуръони Қаримни ўқишга кўп эътибор берар эдилар. Жаброил алайҳис-салом расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам билан бирга Қуръонни дарс қилар эди. Усмон розияллоху анху қуръонни ҳар куни хатм қилар эди. Баъзи салаф олимлари рамазон ойининг уч, баъзилари етти, баъзилари эса ўн кечасида хатм қилар эдилар. Улар Қуръонни намознинг ичида ва намоздан ташқарида ўқишар эди.

Қатода доимо етти кунда, рамазонда уч кунда, охириги ўн кунликда эса ҳар куни бир марта хатм қилар эди.

Имом Шофеъий роҳимахуллох рамазон ойида, намоздан ташқари олти марта марта Қуръонни хатм қилар эдилар.

Имом Зухрий роҳимахуллох рамазон қириши билан ҳадис ва илм дарсларини тўхтатар ва Қуръонни Мусхафга қараб ўқишга берилар эди.

Ибн Ражаб роҳимахуллох деди: «Қуръон Қаримни уч кунда давомли суратда хатм қилиш таққиланган. Бироқ, рамазон ойи қабил фазилатли вақтлар, ҳусусан, қадр туни илинжида кечалари тиловат қилиш, бундан ташқари Макка қабил муқаддас ерларга қирган, лекин, макқалик бўлмаган қишиларнинг бу қамон ва маконларни қанимат қилиб, Қуръон ўқишлари муқтаҳабдир.

Тиловат қайтида йиглаш.

Қуръон Қаримни тафаккурсиз, шеър ўқилгани қабил ўқиш салафлар йўлидан эмасдир. Чунки, улар Аллоҳнинг сўзлари билан таъсирланишар ва у билан қалбларни титратишар эди. Имом Бухорийнинг сахих тўпламида Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анхудан ушбу ривоят қелтирилган. У деди: «расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам : «Менга қуръон ўқиб беринг» - дедилар. Сизга нозил қилинган бўса-ю, мен сизга ўқиб қерайинми? — дедим. Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам: «Мен бошқалардан эшитишни ёқтираман» — дедилар. Мен «Нисо» сурасини ўқиб **«Биз барча халқлардан гувоҳни қелтириб, сизни уларнинг барчасига гувоҳ қилиб қелтирсак қандай бўлади?»** оятига қелганимда: «бўлди» дедилар. Расулulloх саллоллоху алайхи ва салламга қарадим. Ул зотнинг қўзларидан ёш қуйлар эди».

Абу Хурайра розияллоху анху деди: «(Эй мушриклар), **ҳали сизлар мана шу Сўздан** (Қуръондан) **ажабланурсизларми?!** (Ундаги оятларнинг беназир ва бемисл ўғит-насихатларидан таъсирланиб) **йигламасдан, гоқил бўлган ҳолларингизда қулурсизларми?!**» ояти нозил бўлганда суффадагилар йигладилар. Ҳатто уларнинг юзларидан қўз ёшлари оқди. Уларнинг товушларини эшитган расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам ҳам

йигладилар. У кишининг йиглаганларини кўриб биз ҳам йигладик. Шунда расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам: «Аллохдан кўркиб йиглаган кишилар жаханнамга кирмайдилар» — дедилар.

Абдуллох ибн Умар розияллоху анху «Мутаффийн» сурасини ўқир экан: **«Одамлар барча Оламлар роббиси бўлган Аллох каршисида турган кунда»** оятига етиб келганларида йиглаб йикилди ва ундан кейинги оятларни ўқий олмади.

Офтоб чиккунига қадар масжидда ўтириш.

Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам бомдод намозини ўқиганларидан кейин куёш чиккунига қадар намозгоҳида ўтирар эдилар». (Имом Муслим ривояти).

Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Жамоат билан намоз ўқиган, кейин, Куёш чиккунига қадар Аллохни зикр қилган, кейин эса икки ракаат намоз ўқиган кишига хаж ва умранинг тўла-тўла савоблари берилади» (Термизий ривояти).

Бу савоблар ҳар куни берилар экан, рамазон ойида қандай берилмасин?!

Азиз дўстим, Аллох сизни ўз паноҳида асрасин, кечаларни бедор ўтқизиш, солих кишилардан ўрнат олиш, Аллох учун нафсга қарши қурашиш билан савоблар олиш ва жаннатнинг олий мақомларига етишиш учун Аллохдан ёрдам сўранг.

Эътикоф.

Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам рамазон ойида ўн кун эътикоф ўтирар эдилар. Вафот топган йиллари йигирма кун ўтирдилар. Эътикоф – намоз, Куръон тиловати, зикр ва бошқа ибодатларни ўз ичига олган ибодатдир. Эътикофни тажриба қилиб кўрмаган одамларгина қийин деб ўйлайдилар. Бироқ, у Аллох енгил қилган кишилар учун осондир. Яхши ният ва содиқ азм билан ҳаракат қилган одамга Аллох ёрдам беради. Эътикофни қадр кечасини топиш учун рамазон ойининг охириги ўн кунда бўлиши суннати муаккададир. Эътикоф шаръан руҳсат берилган танҳоликдир. Эътикофга қирган одам Аллохнинг тоати ва зикри билан машғул бўлади ва нафсини қалғитадиган барча нарсалардан тияди. У қалби ва бутун вужуди билан роббиси ва унга яқин қиладиган амаллар билан ибодат қилади. Унинг қайғуси фақат Аллохни розилигини топиш бўлади.

Рамазон ойида умра қилиш.

Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Рамазон ойидаги умра хажга баробардир» (Муттафакун алайхи), бошқа бир ривоятда: «Мен билан бирган хаж қилишга баробардир» дедилар.

Қадр кечасини топишга қаттиқ интилиш.

Аллох таъоло деди: **«Албатта Биз у (Куръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик.** (Эй Мухаммад саллоллоху алайхи ва саллам), **Қадр кечаси нима эканлигини Сиз қаердан ҳам билар эдингиз?! Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир.** (Қадр: 1-3). Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Қадр кечасини иймон билан ва савоб умидида намоз ўқиб ўтқиизган кишининг ўтган гуноҳлари кечирилади» (Муттафакун алайхи).

Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам Қадр кечасини топишга тиришар ва саҳобаларни ҳам бунга буюрар эдилар. Бундан ташқари расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам аҳл байтларини рамазоннинг охириги ўн кечасида уйготар эдилар.

Хой, умрини пуч нарсалар билан ўтқиизган одам, Қадр кечасида йўқотган нарсаларингизни топиб олинг! Чунки у кеча бир умрга тотийди. Унда қилинган амал минг ойда қилинган амалдан кўра яхшироқдир. Унинг яхшиликларидан маҳрум қолган қимса, қўп нарсадан маҳрум бўлади. У кеча рамазоннинг охириги ўн кундаги ток кечаларнинг биридир. Убай ибн Каъб

розияллоху анху: «расулulloх саллоллоху алайхи ва салламнинг бизга берган хабарларига кўра, у кечанинг тонгида офтоб нурсиз чиқади» - деди. Имом Бухорий роҳимахуллохнинг жомихус-сахихида ушбу ривоят бор : Оиша розияллоху анхо: «Эй, расулulloх мен Кадр кечасига тўғри келсам нима дейман – дедилар. Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам: «Илоҳим, сен афв килувчисан, афви яхши кўрасан мени афв эт – денг, дедилар».

Зикр дуо ва истигфорни кўпайтириш.

Азиз дўстим, рамазон ойининг кунлари ва кечаларининг фазилатли соатлари бўлиб, сиз уни кўп дуо ва зикрлар билан ганимат билинг. Хусусан, дуолар ижобат бўладиган ушбу лаҳзаларда:

А) Ифтор килишни кутиб ўтирилган пайтда.

Б) Кечанинг охиригидан бири колганида. Чунки бу пайтда Аллох таъоло дунё осмонига тушади ва сўрайдиган борми берман, истигфор айтадиган борми унинг гуноҳларини кечираман – деди.

В) Сахарларда айтилган истигфор. Аллох таъоло: «Улар сахарларда истигфор айтадилар» - деди.

Г) Жума соатларини касд килиш. Аниқроғи жума кундузининг охиригидан соатларида астойдил дуо килиш.

Азиз дўстим, ва ниҳоят сизга энг муҳим бўлган ишни эслатмоқчимиз. Уни биласизми?!.. у ихлосдир. Ха, ихлос..

Рўза тутган канча-канча одамлар бўлсада, уларнинг баъзиларининг тутган рўзаларига «мукофот» очлик ва чанкоклик бўлади, холос.

Одамлар ичида канча-канча кишилар борки, кечаларни ибодатда ўтқизган, бироқ, уларнинг мукофотлари бедорлик ва кийналиш бўлади холос. Аллох таъоло бизларни ва сизларни бундай бўлиб қолишдан сақласин. Шунинг учун расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам шу икки нукта : «Иймон ва савоб умид килиш» га каттик эътибор бердилар. Холбуки салаф солиҳларимиз ҳам ўз жонига жабр килиб кўйишдан кўркиб, амалларини сир сақлашга тиришар эди...

Мухаммад ибн Восеъ роҳимахуллох шундай деди: «мен баъзи одамларни кўрдимки, улар ўз хотинлари билан бир ёстикка бош кўйиб ухлашар ва кўз ёшларини тўкиб йиглаб, ёстикларини хўл килишар, бироқ буни хотинлари билмас эди. Мен яна шундай одамларни кўрдимки улар намозларда сафда туриб йиглар, бироқ, буни ёнидаги одам билмас эди.

Айюб Сихтиёний роҳимахуллох кечалари ибодат учун ўрнидан турар, бироқ, буни яширар, тонг отишига якин колганда эса худди уйкудан турган кишидек овозларини кўтарар эдилар.

Ибн Абу Али деди: «Довуд ибн Абу Хинд кирк йил рўза тутди. Бироқ, буни оиласи билмади. У жуда ҳам эҳтиёткор одам эди. Таомларини ўзи билан олиб чиқиб кетар, ва уларни кўчада садака қилар, кеч кирганда эса уйига қайтиб, рўзасини оиласи билан кечки овқатда очар эди».

Суфён Саврий роҳимахуллох деди: Менга етган хабарларга кўра, банда бир амални махфий қилади. Бироқ, шайтон уни давомли васваса қилиб, унга голиб келади. Натижада, амалини ошкор қилгани амал дафтарига ёзилади. Шайтон васвасаларида яна давом этаверади. Хатто у одам қилган амали эвазига макталишни хошлаб қолади. Ундан амалини ошкор қилганлиги ўчирилиб, риёкорлик қилгани ёзиб кўйилади.

Рамазон ойида беҳуда нарсалар билан шугулланишдан сақланиш

Азиз дўстим, вақтни Аллохнинг тоат-ибодатидан бошқа нарсаларда зое қилиш гафлат ва Аллохнинг раҳматларию инъомларидан махрумликдир. Аллох таъоло деди: **«Ким Менинг эслатмамдан юз ўғирса, албатта унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур. Ва биз уни Киёмат кунинда кўр ҳолда тирилтирурмиз. У: «Эй роббим нега мени кўр қилиб тирилтирдинг, ахир мен кўрар эдим-ку», дейди. (Аллох) айтади: «Шундай. Сенга бизнинг оят-мўжизаларимиз қилганида уларни («кўрмадинг») —**

унутдинг. Бугун сен хам ана шундай «унутилурсан». Хаддан ошган ва роббисининг оятларига иймон келтирмаган кимсаларни мана шундай жазолармиз. Охират азоби шак-шубхасиз, каттикрок ва давомлироқдир» (Тоха: 124-127)

Аллох таъоло пайгамбаримиз, унинг оиласи ва саҳобаларига салавот ва саломлар йўлласин.